

Biznes Daily.Birja: Eksport hajmi oshmoqda

// 03.12.2024

<https://uzkimyosanoat.uz/oz/press/about-us/biznes-daily-birja-eksport-hajmi-oshmoqda>

ТАДБИРКОР АЁЛ — ҚАХРАМОН АЁЛ

Мамлакатимизда хона-кўчаларни тадбиркорликка жалб қилиш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда.



Давоми → 3-бетда

Мнение

ЗЕЛЕНАЯ ЭКОНОМИКА — НОВАЯ ЭРА ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ

Продолжение → 10 стр.

ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ГАЗЕТА / IQTISODIY GAZETA

BIZNES DAILY

#94-95 (3185-3186) 03.12.2024

BIRJA

GAZETA O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI DAVLAT AKTIVLARINI BOSHQARISH AGENTLIGI KO'MAGI BILAN CHOP ETILADI

WWW.BUSINESSDAILY.UZ

MEVA-SABZAVOT EKSPORTINI OSHIRISH CHORALARI BELGILANDI

Prezident Shavkat Mirziyoyev raisligida 28-noyabr kuni meva-sabzavot yetishtirish, qayta ishlash va eksportini ko'paytirish chora-tadbirlari yuzasidan videoselektor yig'ilishi o'tkazildi.

Mamlakatimizda 4 million gektardan ziyod sug'oriladigan ekin maydonlari bor. Ularda, asosan, oziq-ovqat mahsulotlari va iqtisodiyot tarmoqlari uchun xomashyo yetishtirilmoqda. O'zgi yillarda paxta va g'alla maydonlaridan 260 ming gektar dehqonchilik uchun ajratilgan. Endi yana 104 ming gektar berilishi mo'ljallangan.

Bu yil oziq-ovqat eksporti o'tgan yilga nisbatan 370 million dollarga ko'payib, hozirgacha 2 milliard dollardan oshdi. O'zbekiston o'rik eksporti bo'yicha dunyoda uchinchi, gilos va shaftoli bo'yicha yettinchi, mosh va boshqa dukkadali mahsulotlar bo'yicha o'ninchi o'ringa chiqdi. Birgina gilos 16 ta mamlakatga eksport qilinmoqda.

Eksport Qoraqalpog'iston va Izzatda 2,2 barobar, Xorazmda 1,8 barobar va Surxondaryoda 1,6 barobar ko'paygan. Lekin ayrim viloyat va tumanlarda o'zgarish sezilmagan.

Masalan, yetti ko'p bo'lgan Qashqadaryo, Navoiy va Toshkent viloyatidagi o'sish ularning imkoniyatiga mos emas. Buzoro va Sirdaryo viloyatlarida eksport o'tgan yilga nisbatan kamaygan.



Yurtimizda 5 mingdan ortiq qishloq mahallasi bor. Tuman markazi va shaharlarda yana 2 mingdan ko'proq mahalladagi xonadonlar tomorqaga ega. Lekin atigi mingta mahallaga ko'chat tarqatilib, mahsulotni sotib oluvchi tadbirkor birlashtirilgan. 26 ta tumanda tomorqa xizmati yo'lga qo'yilmagan. Ba'zi joylarda dehqonlarga sifatli urug' sotilgani tufayli mahsulot yo'qotilgan.

Shu bois har bir mahalla, xonadon va fermer xo'jaligiga O'simliklar karantini va himoyasi agentligi xodimi birlashtirilib belgilandi.

Tomorqa va uydar oldi, mahalladagi ko'chalar bo'yl, dala cheti va kanallar atrofida 650 ming gektar yer bor. Bu ham oziq-ovqat mahsulotlari va daraxtlar ekish uchun

yaqshi imkoniyat. Endi bu yerlarning oziq o'chami tasdiqlanib, Agroplatformaga kiritiladi. Aholi va fermerlar sifatli urug' tanlash, do'rt va o'g'ini to'g'ri qo'llash, mahsulotni sifatli saqlashga o'rgatiladi.

Bu sa'y-harakatni rag'batlantirish katta yengilliklar beriladi. Dala chetini samarali ishlatgan fermerlarga tadbirkorlar reytingida qo'shimcha ball hisoblanadi, ichki fitosantir sertifikatni bir yil davomida bepul beriladi. Fermerning barcha yerlari uchun yer solig'ini ikki yilga bo'lib to'lashga ruxsat etiladi. "Dolaviy tadbirkorlik" dasturidagi 100 million so'mgacha bo'lgan kreditlar soddalashtirilgan tizimda ajratiladi. Dala chetlari hisobi, yetishtirilgan mahsulot hajmi "e-Fitoss" portali orqali nazorat qilib boriladi.

Давоми → 2-бетда



O'zbekiston-Turkiya biznes forumi



5-бетда

В международном аэропорту «Ташкент» началась реконструкция зала прилета



11 стр.

ОТДЕЛ РЕКЛАМЫ
РЕКЛАМА
ВА E'LONLAR
BO'LIMI



+998 (99) 353-35-54

Telegram
BIZNES DAILY BIRJA

ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОШМОҚДА

"Ўзкимёсаноат" АЖда яқунланаётган йил режалари тўлиқ амалга оширилиб, келгуси йил учун мустақкам пойдевор яратилмоқда.



Бу ҳақда мазкур жамият томонидан ташкил этилган матбуот анжуманида таъкидланди. Жамият бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Ақобир Тўхтаевнинг маълум қилишича, ўтган 9 ойда биржа савдоларига жами 2,6 млн. тонна, шундан 2,2 млн. тонна азотли, 242 минг тонна фосфорли ва 149 минг тонна калийли ўғитлар савдога қўйилган. Охирида бораётган йилда жойлардаги омборлардан кластер ва фермерларга минерал ўғитни ташишда транспортни логистика порталида мажбурий рўйхатдан ўтказиш тартиби бекор қилинган. Экспорт бозорлари ҳам диверсификация қилиниб, янги 5 та мамлакат (АҚШ, Мексика, Перу, Бразилия, Чили) бозорлари ўзлаштирилган ва жами экспорт бозорлари 52 тага етказилган. Ҳисобот даври экспорт кўрсаткичида минерал ўғитлар улуши 58,3 фоизни, қолган 41,7 фоизи бошқа кимёвий маҳсулотлар ҳиссасига тўғри келган. Экспорт географиясини кенгайтириш ва маҳсулот ташиш харажатларини оптималлаштириш мақсадида Шимолий ва Жанубий Америка давлатларидан импорт контейнерларни қайта экспортга юклаш механизми жорий қилинган. Натижада, логистика харажати 210 доллардан 150 долларгача пасайиб жами 1,8 млн. доллар тежалган. "WPB" маҳсулот сотиш тизими орқали минерал ўғитларни дунёдаги энг йирик Африка, Европа, Жануби-Шарқий Осиё, Шарқий Осиё, Шимолий ва Жанубий Америка, Ҳиндис-

тон каби бозорларга камида 250 минг тонна ёки 45 млн. долларга ортиш имкониятини бермоқда. Ушбу тизим орқали 66 минг тонна, 15,2 млн. долларлик маҳсулот экспорт қилинди. Шунингдек, Танзаниянинг Дар-эс-Салам, Гананинг Tema портлари орқали Африка бозорларига экспортга чиқариш чоралари кўрилмоқда. Келгуси йилда умумий қиймати 605 млн. долларлик кимё маҳсулотларини экспортга чиқариш мўлжалланмоқда.

9 ой давомида тизим корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотлар таннарихи 1,6 трлн. сўмга (12,6 фонз) камайтирилишига эришилган. Соҳада энергиянинг муқобил манбаларидан тобора кенг фойдаланиш йўлга қўйилмоқда. Шу йил якунида фотоэлектр станцияларининг умумий қуввати 6 535 кВтга етказилади. Январь-октябрь ойларида жами 28,8 млрд. сўмлик 92 та чора-тадбир натижасида 12,6 минг тонна атмосферага ташланмаларнинг камайтирилишига эришилган. Инвестиция дастурига асосан кимё саноатида 22 та лойиҳа доирасида жами 550,6 млн. доллар (шундан 520,6 млн. доллари ёки 95 фонзи хорижий) инвестиция ўзлаштирилган.

Масалан, маҳаллий инвестор "CENTRAL ASIA CHEMICALS" МЧЖ томонидан Тошкент вилоятида "Henkel" (Германия) нинг "Persil", "Pemos", "Losk", "Vernel" каби брендлари остида 30 минг тонна кир ювиш кукунлари ишлаб чиқариш қувватлари ўзлаштирилиб, муваффақиятли синовдан ўтказилди. Лойиҳа доирасида 2025 йилда 18 млн. долларлик юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Мўғулистон ва Грузия каби давлатларга экспорт қилиниши режалаштирилган. Бугунги кунда маҳаллий инвестор томонидан лойиҳанинг 2-босқичини амалга ошириш бўйича ташаббус билдирилган. Бунда суюқ ювиш воситалари ва юқори сифатли шампунлар ишлаб чиқарилиши кўзда тутилган.

Саҳифани Замира Тожиева тайёрлади.

"Biznes Daily.Birja" gazetasida "O'zkiyosanoat" AJ tomonidan tashkil etilgan matbuot anjumani tafsilotlariga bag'ishlangan maqola chop etildi

"O'zkiyosanoat" AJ Matbuot xizmati